

Агробанк томонидан жисмоний шахсларга Онлайн микроқарз ажратиш бўйича амалдаги тартиб

№	Кредитлаш шартлари	Амалда
1	Қабул қилган орган, Тартиб рақами ва санаси:	Бошқарув қарори, 22.10.2018 й. №117/1
2	Онлайн микроқарз ажратиладиган субъект	Доимий (иш ҳақи) даромадига ва <u>Агробанкда очилган пластик картаси</u> эга жисмоний шахс (резидент)
3	Онлайн микроқарз миқдори ва кредит таъминоти	Жисмоний шахсларга муддатлилиқ, қайтаришлиқ ва тўловлилиқ шартлари асосида скоринг таҳлили натижасига асосан, қарз юки ҳисобга олинган ҳолда <u>10 000 000 (ўн миллион) сўмгача;</u> -кредит таъминоти сифатида учинчи шахс кафилиги (пластик карта рақами ва амал қилиш муддати киритилади) ёки суғурта полиси онлайн расмийлаштирилади.
4	Онлайн микроқарз олиш усули	<u>“Agrobankmobile”</u> иловасидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб олинади. Бунда, мижоз ўзининг шахсий телефонига “Агробанк мобайл” иловасини юклаб олади ва ушбу илованинг “Онлайн микроқарз” қисмида тегишли сўровларни бажарган ҳолда масофадан туриб кредитга эга бўлади.
5	Онлайн микроқарз муддати	Онлайн микроқарз 1 (бир) йил муддатга, 6 ой давомида тўлиқ сўндириш шарти билан револьвер (қайта фойдаланиш имконияти билан) шаклда ажратилади. Бунда 3,4,5 ва 6 ойларга тенг тақсимланган ҳолда қайта ишлатиш имконияти билан сўндирилади, шунингдек, 9,10,11 ва 12 ойларда тенг тақсимланган ҳолда қайтарилади.
6	Онлайн микроқарз фоиз ставкаси	27,99% ставкада ажратилади.
7	Бошланғич тўлов	Талаб қилинмайди
8	Тақдим этиладиган ҳужжатлар	Ҳужжат талаб қилинмайди. Бунда, Оферта (кредит) шартномаси онлайн тарзда масофадан туриб (мижоз томонидан “Агробанк мобайл” иловаси орқали тасдиқлайди) расмийлаштирилади.